

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАКОВ ШЕРЗОД РАХМАНОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ КОМПЕТЕНТ ЁНДАШУВГА
АСОСЛАНГАН ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ураков Шерзод Рахманович

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг
компетент ёндашувга асосланган педагогик тизимини такомиллаштириш 3

Ураков Шерзод Рахманович

Совершенствование педагогической системы подготовки будущих
преподавателей основанной на компетентностном подходе в высших
образовательных учреждениях 21

Urakov Sherzod Raxmanovich

Improving the pedagogical system of a competent approach to the training of
teachers in higher education institutions 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАКОВ ШЕРЗОД РАХМАНОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ КОМПЕТЕНТ ЁНДАШУВГА
АСОСЛАНГАН ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2018.4.PhD/Ped41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юзликаев Фарит Рафаилович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тажиев Мамаражаб педагогика фанлари доктори, профессор Муранов Бахриддин Исаевич педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Навоний давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866 239-13-87); факс: (99866 239-12-29); e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____куни тарқатилди.
(2018йил“___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида фан ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Россия, Англия, Жанубий Корея, Япония каби давлатларда юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга ривожланишнинг асосий йўналиши сифатида қаралиб, таълимда инновацияларни, шу жумладан, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этилиши таъминланмоқда. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларда назарий билимлардан педагогик амалиётда муваффақиятли фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш, педагогик фаолиятда ўз ташаббусларини рўёбга чиқаришга шароит яратувчи таълим муҳитини жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро миқёсда бўлажак мутахассисларни инновацион тайёрлаш, замонавий таълимни амалга ошириш бўйича дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда бўлажак педагогларнинг касбий маҳорати мезонлари, инновацион таълим муҳитини яратиш муаммолари, халқаро таълим стандартлари талабларининг жорий қилинишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ўқитувчиларнинг педагогик компетентлиги таркибини замонавий ахборот ва педагогик технологияларни таълим жараёнида муваффақиятли қўллаш, мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида кенгайтиришга қаратилган илмий изланишлар муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда илғор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи олий таълим тизимида замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишни таъминлашга қаратилган ислохотлар натижасида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг замонавий таълим мазмунини модернизациялаш, талабалар ички имкониятларини рўёбга чиқаришга имкон берувчи зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган таълим муҳитини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга касб-хунар коллежлари учун ҳам замон талабига жавоб берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш зарурияти ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифалари белгиланиб, бу борада касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

муҳитини шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли қарорлари, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони ва бошқа ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, уларнинг улуғланиши Шарқ мутафаккирлари Исмоил ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Абдулла Авлонийларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасаларида ўқитувчиларни тайёрлаш муаммолари республикамиз ва чет эллик мутахассислар томонидан бир қатор адабиётларда ёритилган. Олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантириш, ўз-ўзини бошқариш асосида ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва касбий шаклланганликни ташхислаш масалалари М.А.Абдуллажонова, О.А.Абдулина, А.А.Акбаров, Х.А.Абдурахманова, С.В.Сафоноваларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Ўқитувчининг касбий маҳоратини тадқиқ қилган педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Жўраева, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, В.А.Сластёнин, Ў.Толипов, А.Р.Ходжабоев, А.А.Холиқов, Н.Шодиев, О.Ҳайдарова, А.А.Ҳамидов, Ф.Р.Юзликаевларнинг ишларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, талабаларнинг дунёқарашлари, касбий ва мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллари ва усуллари, шунингдек, ўқитувчиларни касбий тарбиялаш ва тайёрлаш муаммолари тадқиқ этилган.

Ўқитувчи шахсини касбий тарбиялашнинг психологик ва психофизиологик жиҳатлари А.А.Бодалев, Е.М.Иванова, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшин ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси В.Адольф, И.Зимняя, А.Карабаева, Н.Кузьмина, Н.Муслимов, Ш.Шарипов каби қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, компетентлик ва компетент ёндашувнинг мазмуни ва таърифлари, шунингдек, замонавий ўқитувчининг касбий сифатлари кенг тадқиқ этилган. Лекин олий таълим муассасаларида бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ташхис қилиш тизими, бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг касбий компетентликни шакллантиришдаги имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг 561624-ЕРР-1-2015-“Ўзбекистон олий таълим соҳасининг халқаролашуви ва модернизацияси” (2015-2017 йй.) мавзуси ва “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2017-2021 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида бўлажак касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини тайёрлашда компетент ёндашувнинг педагогик тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот муаммосига оид психологик-педагогик ва услубий адабиётлар таҳлили асосида инновацион ўқитиш ғояларининг генезисини аниқлаш;

бўлғуси коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ташхис қилиш методикасини такомиллаштириш ва инновацион таълим муҳитини яратиш;

олий таълим муассасаларида бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлашда компетент ёндашувнинг педагогик тизимини такомиллаштириш;

бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлашда компетент ёндашувнинг мазмуни ва технологияларини аниқлаш ҳамда талабаларни касбий тайёргарлигига йўналтирилган педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш;

бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлашда компетент ёндашув бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижаларни математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни компетент ёндашув асосида тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига СамДУ, БухДУ, ҚарДУ, ЖДПИда жами 240 нафар талабалар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда компетент ёндашув мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзуига оид психологик-педагогик, ўқув-методик манбаларни таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, умумлаштириш, педагогик прогностика, педагогик тажриба-синов ишини ўтказиш ва олинган маълумотларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолияти тузилмаси асосий ва кўшимча педагогик функцияларни (бошқариш, ташкил этиш, лойиҳалаш, методик таъминлаш, технологик) таснифлаш ҳамда умумкасбий ва соҳага йўналтирилган компетенциялар (когнитив, ижтимоий)ни аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўз-ўзини баҳолашга йўналтирилган аутомониторинг методининг педагогик имкониятлари касбий-педагогик компетентлик даражаларига оид мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив кўрсаткичларини тизимли баҳолашга устуворлик бериш асосида кенгайтирилган;

касб-ҳунар коллежларига ўқитувчиларни тайёрлаш босқичлари самарадорлигини ташхислаш методикаси педагогик фаолиятга йўналганликнинг интеграл таҳлил ёндашуви (мотивацион, диагностик, квалиметрик) асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларининг инновацион шаклларини тизимлаштиришга қаратилган комплекс дастур асосида факультатив семинарлар, талабалар лойиҳаси, талабалар клуби ва тўғарагига оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“Ўргатиб ўрганамиз”, “Педагогик фаолиятга кириш” факультатив семинарлари, “Таълим беришда менинг ташаббусим” мавзусида талабалар лойиҳалари ҳамда “Маҳорат мактаби” тўғараги ва “Insight” ижодий клуби фаолияти йўлга қўйилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг инновацион шакл, метод ва технологияларини ўзида мужассамлаштирган комплекс дастур ишлаб чиқилган;

“Педагогик технологиялар”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик технологиялардан фойдаланиш” номли ўқув-услубий қўлланмалар нашр этилган ва амалда фойдаланилмоқда;

олий таълим муассасалари талабаларини касб-ҳунар коллежларига тайёрлашда компетент ёндашув бўйича педагогик йўналишдаги фанларнинг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республикамиз ва халқаро миқёсидаги илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот натижаларини Ўзбекистон Республикасининг кўпгина олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак коллеж ўқитувчиларнинг касбий сифатлари ва касбий фаолият тузилмаси, бўлажак коллеж ўқитувчисини инновацион тайёрлашнинг дидактик имкониятлари педагогик фанларни ўқитиш мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ташхис қилиш тизими, “Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг инновацион шакл, метод ва технологиялари” комплекс дастури, ўз-ўзини касбий педагогик тарбиялашга йўналтирилган аутомониторинг ўтказиш методидан бўлажак коллеж ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражаларини шакллантиришда фойдаланиш самарадорлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни тайёрлашда компетент ёндашувнинг педагогик тизимини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолияти тузилмаси, асосий ва кўшимча педагогик функциялар, умумкасбий ва соҳага йўналтирилган компетенцияларга оид таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган 110000 – Педагогика таълим соҳаси бакалаврият таълим йўналишларининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги 89-03-3801-сон маълумотномаси). Бу эса бўлажак коллеж ўқитувчиларининг касбий фаолиятини моделлаштириш орқали бўлажак ўқитувчининг касбий педагогик компетентлик даражалари ва кўрсаткичларини баҳолашга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш босқичлари самарадорлигини ташхислаш методикаси, ўз-ўзини баҳолашга йўналтирилган аутомониторинг методининг педагогик имкониятлари, талабаларнинг компетентлик даражалари мезонлари, компетент ёндашувнинг педагогик тизими, ташкилий-педагогик босқичларга оид таклифлар А-1-057-рақамли «Олий таълим муассасалари талабаларини модулли ўқитишга педагогларни компетентли тайёрлашнинг психологик педагогик асослари» мавзусидаги грант дастури лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги 89-03-3801-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда касбий-педагогик компетентлик даражаларини шакллантиришга йўналтирилган таълим шакллари ва ўқув-услубий таъминоти аниқланган;

ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишнинг инновацион шакл, метод ва технологиялари, факультатив семинарлар, талабалар лойиҳаси, талабалар клуби ва тўғарагига оид амалий таклиф ва тавсиялар “Олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишнинг инновацион шакл, метод ва технологиялари” комплекс дастури мазмунига сингдирилган (Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги 89-03-3801-сон маълумотномаси). Мазкур методик таклиф ва тавсиялар бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари диссертантнинг республика ва халқаро илмий журналлардаги 7 та мақолаларида ҳамда 8 та халқаро ва республика миқёсидаги конференциялар материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

“Касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетент ёндашув муаммоларининг илмий-назарий асослари” деб номланган биринчи боб уч банддан иборат бўлиб, бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш ғоясининг генезисини таҳлил қилиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатлари, бўлажак коллеж ўқитувчиси касбий фаолиятини моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик тайёрлаш модели, шунингдек бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетентлик даражалари ва мезонлари аниқланган.

Ўқитувчининг касбий тавсифномасини тузиш, унга бўлган талабларни аниқлаш, шахсни шакллантиришда тарбиянинг мақсад ва вазифалари, қоидалари, таълим ва тарбия методлари, унинг қадимий илдизлари (генезиси)ни аниқлашда Шарқнинг таниқли қомусий олим ва мутафаккирларининг ҳиссалари каттадир. Буюк Шарқ мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Саъдий Шерозий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар биринчилардан бўлиб таълим методларини илмий асослаб беришди. Англаш фаолиятини жадаллаштириш, билимларни амалиётда қўллаш, билимларнинг тизимлилиги, кетма-кетлиги, мантиқийлиги, индукция, тажриба, таққослаш, кузатиш методлари шулар жумласидандир.

Педагогика тарихига оид тадқиқотларда таълим-тарбия ва педагогик фикрларнинг тараққиёти куйидаги даврларга бўлиб ўрганилган:

1) Энг қадимги даврлардан 1917 йилгача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти;

2) 1917-1990 йилларда педагогик фикрлар ривожланиши;

3) Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидаги тадқиқотлар.

Бу даврлаштиришни бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш даврлари генезиси сифатида ҳам қабул қилиш ўринлидир.

Бу даврлар учун ўқитишнинг куйидаги усуллари характерлидир:

1) Савтия усули; 2) Жамоа усули; 3) Жаид усули; 4) Синф-дарс усули; 5) Лойиҳалаштиришга асосланган, натижаларга кафолатли эришишга йўналтирилган технологик ёндашув.

Мазкур таълим технологиялари бир-биридан прогрессивлиги билан фарқ қилиб, бир-бирига нисбатан янги, инновацион технология ҳисобланади, хусусан, савтия усулига нисбатан жамоа усули, жамоа усулига нисбатан жаид усули инновацион ва ҳ.к.

Ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларда илгари сурилган ўқитувчи касбий профессиограммаларининг таҳлили ҳамда жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўяётган талаблари асосида педагогик олий таълим муассасалари битирувчисининг сифатлари ишлаб чиқилди.

Педагогик олий таълим муассасалари битирувчисининг сифатлари куйидагича гуруҳланди:

1-гуруҳ. Коллежда ишлашга психологик тайёргарлик: жамият ҳаёти, ёш авлод тарбиясида ўзининг алоҳида ролини англаб етиш. Ҳозирги замон ўқитувчиси олдига қўйиладиган талабларни билиш, педагогик фаолиятга қобилиятнинг мавжудлиги, ўқитувчилик касбига қизиқиш, нерв системасининг эгилувчанлиги, чуқурлиги ва кучлилиги, ундаги психик жараён (ҳис қилиш ва идрок, диққат, тасаввур, фикрлаш, хотира, нутқ, ирода)ларнинг оптимал ҳолатдалиги. Педагогик касбига ва ўқувчилар билан мулоқотга киришишга бўлган эҳтиёжини англаш.

2-гуруҳ. Шахс сифатлари: инсонпарварлик, маълумотлилик, маънавий дунёсининг мазмуни, маданияти, эрудицияси (иқтидори), ўз билимини доимо ошириб бориш, педагогик одобга эгалик, талабчанлик ва адолатлилик, ахлоқий қиёфаси, ўз ўқувчиларига ўқиш, ишлаш ва яшашда намуна бўла олиш, умуминсоний ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиш.

3-гуруҳ. Касбий сифатлар: ўқувчи-ёшларнинг ўзига хос ва ёш хусусиятларини билиш, ҳар бир ўқувчи шахсини лойиҳалаштира олиш; дидактик билимларнинг мавжудлиги; ўз ўқув предметини ва унга доир сўнги янгиликларни билиш, ўқув режа, дастур, ўқув қўлланмалар, дарслик ва қўшимча адабиётларни билиш; таълим вазифалари, функциялари ва ташкил этиш тамойилларини билиш; ўқув дастурига тузатишлар киритишни билиш, эскирган маълумотларни олиб ташлаш, ўрнига янги, замон талабларига мос, жонажон ўлка тарихи, маданияти, халқ анъаналари

хусусиятларига мос келадиган материалларни қўя олиш; ўқув ишларини режалаштиришни билиш (календар ва дарс режалари); ўқувчиларнинг таълими, тарбияси ва ривожланишини таъминловчи, таълимнинг энг таъсирчан, ноанъанавий шакл ва методларини танлай олиш ва ижодий қўллаш олиш кўникмаси; халқаро алоқалар имкониятларидан фойдалана билиш кўникмаси; таълим жараёнида, аудитория ва аудиториядан ташқари ишлар жараёнида тарбиявий ишларни ташкил эта билишга доир билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги; ўқув-тарбиявий ишларни самарали олиб боришда эришган ютуқларида тўхтаб қолмаслик, фаол ижодий изланишда давом этиш.

Мазкур бобда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини моделлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида таълим сифатини бошқаришда бўлажак коллеж ўқитувчисининг фаолият тузилмаси ишлаб чиқилган (1-расм). Педагогикада фаолият модели деганда ушбу фаолият билан боғлиқ субъектнинг ўзи, унинг фаолияти билан боғлиқ объектлар ҳамда фаолият амалга ошириладиган муҳитлар назарда тутилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бўлажак ўқитувчининг муҳим касбий фазилатларини шаклланишининг ўлчови ҳисобланган модель таълим мазмунини олий таълим соҳасини ўқув дастурларида амалга ошириладиган дидактик мақсадларга мос равишда қайта қуриш имкониятини яратади.


Бўлажак коллеж ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлигини аниқлашга қаратилган изланишларда компетентлик тушунчасининг моҳиятини ёритишга бағишланган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди. Компетентлик тушунчасининг таърифларидан келиб чиқиб, бўлажак коллеж ўқитувчисини тайёрлашда компетент ёндашувнинг моҳияти қуйидагича талқин этилди:

Компетент ёндашув – бўлажак коллеж ўқитувчиларининг касбий фаолияти мазмунида кўзда тутилган асосий ва қўшимча педагогик функциялар ҳамда таълим олувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларни самарали равишда қўллашга ўргатиш, таълим олувчининг ташаббуси ва ички имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит яратиш жараёнидир.

Бўлажак коллеж ўқитувчиси фаолият тузилмасининг мазмуни бир-бирига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда касб-ҳунар коллежи педагог мутахассисларининг педагогик билим даражасини, тажриба ва кўникмаларини ривожлантиришда муҳим бўлган таркибий элементлардан (психологик, дидактик, услубий, тарбиявий ва коммуникатив) ташкил топган.

Педагогик таълим назарияси ва амалиётида ўқитувчининг касбий такомиллашув жараёни касбий мослашув, малака ошириш, компетентлик ва педагогик маҳоратнинг шаклланишини ўз ичига олади.

Талабаларни касбий-педагогик компетентлигини шакллантириш жараёнини педагогика курси, ўқув предметларини ўқитиш методикаси ва педагогик амалиётни ўз ичига олган бир неча босқичда амалга ошириш зарур (1-жадвал).



1-расм. Бўлажак коллеж ўқитувчисининг касбий фаолият тузилмаси

1-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлигини шакллантириш жараёнини ташкил этиш

Босқичлар	МАҚСАД
I.Тайёрлов босқичи 1-2 курс	Талабаларни дастлабки психологик-педагогик тайёрлаш. Талабаларни муайян фаолият турига тайёргарлигининг шаклланишига шароит яратилади. Бу босқич педагогика ва психология фанларининг интеграцияси, шунингдек, махсус билим тизими асосида амалга оширилади. Тайёрлов босқичи барча фанлар бўйича бўлажак ўқитувчилар учун тузилиш жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам бир хил бўлиши мумкин.
II.Методик босқич 3-курс	Бўлажак ўқитувчини аниқ методик жиҳатдан таълим-тарбия ишига тайёрлаш тайёргарликнинг минимал репродуктивлик даражасини таъминлаш. Методик босқич 3-курсада махсус дастур бўйича мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси материаллари ва ўқув-тарбиявий амалиётни ташкил этиш асосида амалга оширилади.
III.Ижодий- тадқиқий босқич 4-курс	Муайян фаолиятга талабаларни тайёрлаш тугалланади. Мазкур босқичда бўлажак ўқитувчилар мустақил изланиш кўникмасини эгаллайди, ишнинг самарали усуллари аниқлайди, келажакда ўзларининг касбий такомиллашувини таъминлайдиган методикаларни ишлаб чиқади. Учинчи босқичда талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлигининг шаклланганлик даражаси ташхис этилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотлар таҳлили ҳамда талабаларни касбий тайёрлаш босқичлари ва даражаларидан келиб чиқиб, бўлажак коллеж ўқитувчисининг касбий компетентлигини инновацион таълим мазмуни орқали шакллантириш даражалари ва мезонлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлиги мезонлари

Компетентлик мезонлари	Кўрсаткичлар
Мотивацион (ижобий майлларнинг шаклланиши)	- бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятга тайёрлик компоненти сифатида касбий компетентликни ривожлантириш заруриятини англаш; - ўқув жараёнида шакллантириладиган компетенцияларни намоён қилишга тайёрлиги; - ўз касби соҳасидаги компетенцияларни мустақил ривожлантиришга эҳтиёж;
Когнитив (назарий билимларнинг мустаҳкамланиши)	- билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиб ақлий операцияларни бажара олиши; - педагогик фаолиятдаги касбий компетенцияларнинг аҳамиятини англай билиш, ўз фани бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар учун назарий билимларга эгалиги; - амалий фаолиятда мутахассислик фанига оид билимлардан фойдалана олиши;
Операцион (ўқув-тарбия ишларини самарали ташкил эта олиш)	- касб-хунар коллежларида дарс ва дарсдан ташқари ўқув машғулотларини ташкил эта олиш кўникмасига эгалиги; - ўз касбий фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш, таълим-тарбия жараёнлари ва ташкилий-бошқарув фаолияти шакллари бўйича малакаларга эгалиги; - талабалар, ўқитувчилар ва маъмурият билан ижобий муносабатларни

кўникмаси)	ўрната билиши; - ўз фаолиятида замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан фойдалана олиши; - таълимнинг барча шаклларида ўзининг касбий компетенцияларини кўллай билиши;
Рефлексив (ўз-ўзини таҳлил қилиш асосида ўз-ўзини баҳолаш)	- фикрлаш, баҳолаш ва ўқув жараёни натижалари ва ютуқларини башорат қилиш қобилияти; - шахсий ва касбий фаолиятга оид ҳаракатлар бўйича ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш кўникмасига эгаллиги.


Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетент ёндашувнинг педагогик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак коллеж ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган инновацион тайёрлаш жараёнининг мазмуни ишлаб чиқилган.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий педагогик компетентликнинг дастлабки элементлари педагогик фанлар орқали шакллантирилади, шунингдек, талабаларнинг педагогик фаолиятга йўналганлиги касбий-педагогик компетентликни шакллантиришдаги муҳим омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, мазкур бобда талабаларнинг педагогик фанларга ўқув мотивациясининг шаклланганлиги ҳамда касбий-педагогик фаолиятга йўналганлиги, шунингдек, инновацион назорат шакллари воситасида касбий-педагогик компетентлик даражалари интеграл таҳлил ёндашуви асосида ташхис қилинди.

Бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнларини ташхис қилиш, инновацион тайёрлашнинг дидактик хусусиятлари ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлик даражаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва технологияларини умумлаштирган ҳолда касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетент ёндашувнинг педагогик тизими такомиллаштирилди (2-расм).

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш комплекс дастури доирасида “Ўргатиб ўрганамиз”, “Педагогик фаолиятга кириш” факультатив семинарлари, “Таълим беришда менинг ташаббусим” мавзусида талабалар лойиҳалари ўтказилди. “Insight” талабалар клуби ва “Педагогик маҳорат мактаби” тўғараги низоми ишлаб чиқилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Тажриба-синов гуруҳида талабаларнинг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда ушбу дастур муҳим аҳамият касб этди.

Олий таълим муассасалари педагогик таълим йўналишидаги талабалар ўртасида ўтказилган аутомониторинг натижалари асосида уларнинг касбий маҳоратини баҳолаш тўртта даражага бўлиб аниқланди. Назорат 100 баллик тизим асосида амалга оширилди. Шунингдек, «IV» «юқори» даражага 76 ва ундан юқори балл тўплаганлар, «III» «яхши» даражага 51 дан 71 баллгача тўплаганлар, «II» «қониқарли» даражага 26 дан 50 баллгача тўплаганлар, «I» қуйи даражага 25 балл тўплаганлар киритилди.



2-расм. Касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетент ёндашувнинг педагогик тизими

Бунда, IV «юқори» даражага мансуб талабалар қаторида таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг моҳиятини чуқур англаганлиги, фикрлаш, баҳолаш ва ўқув жараёни натижалари ва ютуқларини башорат қилиш

қобилияти, шахсий ва касбий фаолиятга оид ҳаракатлар бўйича ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш кўникмасига эгаллиги бўйича юқори малакага эга эканликлари аниқланди.

Ўз-ўзини баҳолаш бўйича олинган жавоблар таҳлилидан кўринадикки, ушбу даражага мос жавоблар педагогик фанларга ўқув мотивацияси ҳамда касбий педагогик йўналганлиги юқори бўлган талабалар томонидан берилган.

III - «яхши» даражага мансуб бўлган талабалар касб-хунар коллежларида дарс ва дарсдан ташқари ўқув машғулотларини ташкил эта олиш кўникмасига эгаллиги, ўз касбий фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш, таълим-тарбия жараёнлари ва ташкилий-бошқарув фаолияти шакллари бўйича малакаларга эгаллиги, талабалар, ўқитувчилар ва маъмурият билан ижобий муносабатларни ўрната билиши, ўз фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологиялардан фойдалана олиши, таълимнинг барча шаклларида ўзининг касбий компетенцияларини кўллаш билиши маълум бўлди.

Мазкур даражага киритилган талабалар келгуси касбий-педагогик фаолиятида ўқувчилар жамоаси фаолиятини, таълим муассасасининг ота-оналар ва корхоналар билан ҳамкорлигини тўғри йўлга қўя оладиган, ўқувчилар орасида мусобақаларни уюштира оладиган ва педагогик меҳнатни илмий жиҳатдан ташкил эта оладиган мутахассислар сифатида шаклланиши таъминланади.

II «қониқарли» даражага киритилган талабалар билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиб ақлий операцияларни бажара олиши, педагогик фаолиятдаги касбий компетенцияларнинг аҳамиятини англаш билиш, ўз фани бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар учун назарий билимларга эгаллиги, амалий фаолиятда мутахассислик фанига оид билимлардан фойдалана олиши мумкинлиги аниқланди.

I - «қуйи» даражага эга бўлган бўлажак ўқитувчиларда касбий тайёргарлигидаги билимлар даражасининг пастлиги, ўқув-тарбия ишларига қизиқишларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган компетенциялар, шунингдек, бўлғуси педагогик фаолияти тўғрисида умумий тасаввурга эгаллиги, ўқув-тарбия ишларига қизиқишларнинг паст даражаси, билимларнинг тарқоқлиги, касбий компетентлигининг паст даражада ривожланганлиги кўзга ташланди.

Тажриба-синов ишини олиб бориш жараёнида талабаларда ўз-ўзини баҳолашга бўлган муносабатларининг паст даражада эканлиги кўзга ташланди. Тажриба-синов гуруҳи учун ажратиб олинган талабаларда таълим жараёнини ташкил этиш, тадқиқотимиз доирасида ташкил этилган ижодий танлов, тўғарак ва ижодий клублар фаолияти орқали ўзларини-ўзлари баҳолаш кўникмалари шаклланиганлиги кузатилди.

Учинчи боб **“Олий таълим муассасаларида бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш тизимининг самарадорлигини аниқлашга доир тажриба-синов ишлари”** деб номланиб, мазкур бобда бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлашда касбий компетентлик даражаларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш методикаси

ишлаб чиқилган. Шунингдек, касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетент ёндашув бўйича тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Бизнинг ўқув жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларни шакллантириш методикамиз 2015-2018 йилларда тажриба-синов ишларидан ўтказилди. Тажриба-синов ишлари СамДУ, БухДУ, ҚарДУ ҳамда ЖизДПИИда ўтказилди. Тажриба гуруҳида “Олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишнинг инновацион шакл, метод ва технологиялари” комплекс дастури татбиқ этилди.



Тажриба-синов ишларининг бошида касбий компетентликнинг шаклланганлиги бўйича олинган ташхис натижалари тажриба ва назорат гуруҳларида бир-биридан фарқланмади.

Тажриба синов-ишларининг аниқловчи ва шакллантирувчи босқичларида критик, репродуктив, продуктив ва креатив компетентликка эга талабалар сони таҳлил қилинди (3-жадвал).

3-жадвал.

Тажриба-синов ишлари тажриба аввалида ва якунида талабаларда касбий компетентликнинг шаклланганлик даражаларининг қиёсий натижалари

Даражалар	Тажриба аввалида		Тажриба якунида	
	Тажриба гуруҳи (120 нафар)	Назорат гуруҳи (120 нафар)	Тажриба гуруҳи (120 нафар)	Назорат гуруҳи (120 нафар)
Бошланғич	11,5%	11,2%	3,2%	9,7%
Қуйи	34,2%	33,4%	18,5%	31,8%
Ўрта	40,9%	39,7%	51,2%	41,3%
Юқори	14,4%	15,7%	27,1%	17,2%



3-расм. Тажриба-синов ишлари аввалида ва якунида талабаларда касбий компетентликнинг шаклланганлик даражаларининг қиёсий натижалари диаграммаси

Тавсия этилаётган методиканинг самарали эканлигини исботлаш ва кўрсатиш мақсадида олинган натижаларни К.Пирсон томонидан таклиф этилган χ^2 (хи квадрат) мезони асосида таҳлил қилинди. Бунда кўрсатилган

статистик мезоннинг қиймати математик статистика курсидан маълум бўлган қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\chi^2_{кузатув} = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^e \frac{(n \cdot Q_{2i} - m \cdot Q_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}} \quad (1)$$

бу ерда: n – тажриба гуруҳидаги талабалар сони, m –тажриба гуруҳидаги талабалар сони.

Q_{1i} ва Q_{2i} – мос равишда тажриба ва назорат гуруҳлари учун баҳолаш турларга нисбатан олинган баҳолар сони. C – баҳолаш турлари сонидан иборат бўлиб, улар “бошланғич”, “қуйи”, “ўрта” ва “юқори” деб тўрттага ажратилган, шу шу сабабли $C=4$.

Эркинлик даражаси $K=C-1$ формула орқали аниқланади. Қийматдорлик даражасини 0,05 деб олсак, озодлик даражаси $K=C-1=4-1=3$ га тенг бўлиб χ^2 нинг статистик жадвалларида келтирилган қиймати $\chi^2_{критик} (0,05;3) = 7,8$ га тенг.

H_0 – нолинчи (асосий) фараз (гипотеза) сифатида “тадқиқотимиз асосида ишлаб чиқилган бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини шакллантириш методикаси бўлажак ўқитувчининг билим, кўникма ва малакасига таъсир этмайди, балки тасодифийдир”.

H_1 – алтернатив (муқобил) фараз эса “бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини шакллантириш методикаси бўлажак ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакасига ижобий таъсир этади ва статистик жиҳатидан аҳамиятли бўлиб, тасодифий бўлмасдан қонунийдир” деб фараз қиламиз ва H_0 фаразни (гипотеза)рад қилиш учун етарли бўлган фактларни келтираамиз.

Бизнинг тажрибамизда $C=4$ бўлгани учун қуйидаги формула бўйича натижаларни ҳисоблаймиз.

$$\chi^2_{кузатув} = \frac{1}{n \cdot m} \left[\frac{(n \cdot Q_{21} - m \cdot Q_{11})^2}{Q_{11} + Q_{21}} + \frac{(n \cdot Q_{22} - m \cdot Q_{12})^2}{Q_{12} + Q_{22}} + \frac{(n \cdot Q_{23} - m \cdot Q_{13})^2}{Q_{13} + Q_{23}} + \frac{(n \cdot Q_{24} - m \cdot Q_{14})^2}{Q_{14} + Q_{24}} \right] \quad (2)$$

Тажриба-синов майдончаларида олиб борилган тажриба-синов ишлари якунидаги жамланмаларнинг статистик тақсимотини қуйидаги жадвалда келтираамиз:

Даражалар Гуруҳлар	Юқори	Ўрта	Қуйи	Бошланғич	Талабалар сони
Тажриба гуруҳи	$Q_{11}=33$	$Q_{12}= 61$	$Q_{13}= 22$	$Q_{14}= 4$	$n = 120$
Назорат гуруҳи	$Q_{21}= 20$	$Q_{22}= 50$	$Q_{23}= 38$	$Q_{24}= 12$	$n = 120$

(2) – формулада $n=m=120$ деб, юқоридаги жадвалдаги Q_{11} , Q_{12} , Q_{13} , Q_{14} , Q_{21} , Q_{22} , Q_{23} ва Q_{24} миқдорининг қийматлари асосида $\chi^2_{кузатув}$ нинг қуйидаги қийматини ҳосил қиламиз: $\chi^2_{кузатув}=12,54$.

Тажриба – синов якунида ўтказилган назорат натижаларига кўра $\chi^2_{кузатув} \approx 12,54 > \chi^2_{критик} = 7,8$ бўлгани учун H_0 илмий фараз рад этилади.

Бундан кўринадики, тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг билим даражаси 95% ишончлилик билан назорат гуруҳларидаги талабаларнинг билим даражасидан 12,7% юқори.

ХУЛОСАЛАР

“Олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежларига ўқитувчиларни тайёрлашда компетент ёндашув мазмунини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўқитувчилар тайёрлаш муаммосига оид тадқиқот ҳамда Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва қомусий олимлари педагогик қарашлари таҳлили шундан далолат берадики, таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг турли босқичларида инновацион жараёнлар юз бериб келган.

2. Олиб борилган таҳлиллар ва изланишлар, олий таълим педагогик тажрибасидаги мавжуд бўлган ижобий тажриба намуналари талабаларни ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш имкониятига эга эмас, яъни бўлажак ўқитувчиларни компетент ёндашув асосида тайёрлаш мазмуни ва ташкилий тузилмаси мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқилмаганлиги, муаммога тегишли методик адабиётлар мавжуд эмаслиги, олий таълим муассасалари битирувчилари дидактик тайёргарлигининг паст даражада эканлиги ҳамда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини оширишдаги имкониятлари асосланмаганлигини кўрсатди.

3. Бўлажак коллеж ўқитувчиси касбий фаолияти тузилмасининг мазмуни бир-бирига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда касб-хунар коллежи педагог мутахассисларининг педагогик билим даражасини, тажриба ва кўникмаларини ривожлантириш психологик, дидактик, услубий, тарбиявий ва коммуникатив тайёрлашнинг таркибий элементларидан ташкил топиши аниқланди.

4. Замонавий шароитларда касб-хунар таълим муассасалари мутахассисларининг касбий-педагогик компетенлигини шакллантиришда инновацион ёндашув қатор масалалар билан боғлиқ (талабаларнинг педагогик-психологик фанларга ўқув мотивациясининг йўналганлиги, касбий педагогик йўналганлик, шахснинг касбий-таълимий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий буюртма ва давлат таълим стандартларини бажариш) эканлиги илмий-методик жиҳатдан асослаб берилди.

5. Олий таълим муассасаларида бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ташхис қилиш, касб-хунар коллежларига ўқитувчилар тайёрлашнинг амалиётдаги ҳолатини таҳлил қилиш орқали, бўлажак коллеж ўқитувчиларини тайёрлашда компетент ёндашув қатор омилларга (бўлажак ўқитувчиларда педагогик фанларга нисбатан ўқув мотивациясининг йўналтирилганлиги, талабаларнинг касбий мотивлари ва касбий-педагогик йўналтирилганлиги, ўз-ўзини касбий-педагогик тарбиялашга йўналтирилган аутомониторинг ва табақалаштирилган ёндашув, талабалар билим, кўникма ва малакаларини квалиметрик баҳолаш усуллари) боғлиқ эканлигини аниқлаш имконини берди.

6. Талабаларда касбий педагогик фаолиятга оид компетенцияларни шакллантирувчи шарт-шароитлар (шахсга йўналтирилган интерфаол таълим, ижодий клублар, лойиҳа танловлари, касбий фаолиятга йўналтирувчи тўғараклар) мақсадга эришишни кафолатлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УРАКОВ ШЕРЗОД РАХМАНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ
ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ОСНОВАННОЙ НА
КОМПЕТЕНТНОСТНОМ ПОДХОДЕ В ВЫСШИХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4.PhD/Ped41.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Юзликаев Фарит Рафаилович доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тажиев Мамаражаб доктор педагогических наук, профессор Муранов Бахриддин Исаевич кандидат педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Навоийский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована по № ____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2018 года).

Х.И.Ибраимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

М.А.Файзиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.Ш.Шодиев
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой образовательной системе широкое использование достижений научной и инновационной деятельности становится важным фактором последовательного и устойчивого развития всех сфер жизни общества и государства, построения достойного будущего страны. В таких странах, как Россия, Англия, Южная Корея, Япония подготовка конкурентоспособных кадров с высоким уровнем профессиональной компетентности рассматривается в качестве основного направления развития, обеспечивается широкое внедрение инноваций в образовании, в том числе, современных интерактивных и творческих методов обучения. А это, в свою очередь, имеет особое значение в формировании компетенции будущих преподавателей успешного применения теоретических знаний в педагогической практике, внедрения образовательной среды, создающей, условия для реализации их инициатив.

В исследованиях, проводимых в ведущих высших образовательных учреждениях и научных центрах мира, по инновационной подготовке будущих специалистов и реализации современного образования в международных масштабах, особое значение придается критериям профессионального мастерства будущих педагогов, проблемам создания инновационной образовательной среды и внедрению требований международных образовательных стандартов. В данных исследованиях важное место занимает научный поиск, направленный на расширение состава педагогической компетентности преподавателей на основе успешного применения в образовательном процессе таких современных информационных и педагогических технологий как мотивационные, когнитивные, операциональные, рефлексивные и самооценочные индикаторы.

В нашей стране в результате преобразований, направленных на обеспечение разработки современных подходов к системе высшего образования, предполагающих подготовку педагогических кадров для системы непрерывного образования на основе передового зарубежного опыта и создания необходимых условий для реализации внутренних возможностей студентов, осуществляются исследования в области создания образовательной среды, ориентированной на модернизацию современного содержания подготовки будущих преподавателей колледжей. Вместе с тем растет необходимость подготовки преподавателей для профессиональных колледжей, которые соответствовали бы требованиям времени. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи: “продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышение доступности качественных образовательных услуг, подготовка высококвалифицированных кадров в

соответствии с современными потребностями рынка труда”². В данном направлении особую значимость приобретают совершенствование педагогической системы и формирование образовательной среды, направленной на развитие профессиональной компетентности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан: №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5264 «Об образовании министерства инновационного развития Республики Узбекистан» от 29 ноября 2017 года, №УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» от 25 января 2018 года, постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающейся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Требования к профессиональной подготовке преподавателя нашли свое отражение в трудах таких мыслителей Востока, как Исмаил аль-Бухари, Юсуф Хос Ходжиб, Абу Наср Фараби, Абу Райхан Бируни, Абу Али ибн Сина, Абдурахман Джами, Алишер Навои, Джалалиддин Давани, Абдулла Авлони.

Проблемы подготовки преподавателей в высших образовательных учреждениях освещены в ряде работ отечественных и зарубежных специалистов. Вопросы формирования личности будущего преподавателя в процессе высшего образования, повышения социальной активности учащихся на основе самоуправления и диагностики профессионального становления изучены в исследованиях М.А.Абдуллажоновой, О.А.Абдулиной, А.А.Акбарова, Х.А.Абдурахмановой, С.В.Сафоновой и др.

В работах таких ученых-педагогов, исследовавших профессиональное мастерство преподавателя, как Х.Абдукаримов, Н.Азизхужаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Х.Жураев, Б.Р.Жураева, Ж.Г.Юлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, В.А.Сластёнин, У.Толипов, А.Р.Ходжабоев, А.А.Холиков, Н.Шодиев, О.Хайдарова, А.А.Хамидов, Ф.Р.Юзликаев изучены проблемы педагогического мастерства будущих учителей, возможности применения образовательных технологий, пути и методы развития мировоззрения, профессиональной и коммуникативной

²Указ Президента Республики Узбекистан. №УП-4947. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70,

культуры учащихся, а также вопросы профессионального воспитания и подготовки преподавателей.

Психологические и психофизиологические аспекты профессионального воспитания личности преподавателя нашли свое отражение в работах А.А.Бодалева, Е.М.Ивановой, Э.Гозиева, М.Г.Давлетшина и др.

